



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 41 (13.638)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЭЛЧИЛАРИНИНГ ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 февраль куни Покистон Ислон Республикаси, Швейцария Конфедерацияси, Латвия Республикаси, Исроил Давлати, Германия Федератив Республикаси, Словакия Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Ирфон Юсуф Шомий, Оливье Шав, Михаилс Попковс, Эдуард Шапира, Гюнтер Оверфельд, Ян Бори ва Цзян Яндан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари элчиларни мамлакатимизда дипломатик миссиясини бошлагани билан самимий қутлаб, масъулиятли фаолиятида улкан ютуқ ва муваффақиятлар тилади.

Маросимда Ўзбекистон кучли фуқаролик жамияти ва жадал ривожланаётган бозор иқтисодиётига эга эркин ва демократик давлат барпо этишнинг янги тарихий босқичига қадам қўйгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида бошланган кенг қўламли ислоҳот ва ўзгаришлар муқаррарлик тусини оломоқда.

Очик ташқи сиёсат олиб бормасдан, кўп қиррали ва ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдан туриб белгиланган вазифаларни амалга ошириб бўлмаслиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида ғоят қисқа даврда салмоқли натижалар қўлга киритилди. Хорижий давлатлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва исчилик тараққиётни таъминлашда бундан буюн ҳам барча сайёҳ-ҳаракатларини сафарбар этиши ҳамда очик, дўстона ва амалий ташқи сиёсат олиб бориши давом эттиришини таъкидлади. Бунда аввало қўшни давлатлар билан муносабатларга алоҳида эътибор берилди.

Шунингдек, дунёнинг етакчи мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ва узоқ мuddатли шерикликни кенгайтириш сиёсати давом эттирилди.

Президентимиз ўз нутқида янги элчиларни тайинлаган мамлакатлар билан дўстлик алоқалари ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг устувор йўналишларига тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда аънавий равишда муҳим ўрин тутатган Покистон Ислон Республикаси билан кўп қиррали муносабатларни ривожлантиришга катта аҳамият бераётгани таъкидланди.

Олий даражадаги мунтазам сиёсий мулоқотлар икки томонлама ҳамкорликни сезиларли фаоллаштиришга хизмат қилди. Шу билан бирга, ўзаро савдо-сотиқ ҳажмининг ошириш, агросаноат, фармацевтика, кўнчилик ва бошқа тармоқларда кооперацияни кучайтириш учун улкан салоҳият мавжуд.

Швейцария Конфедерацияси Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли ва узоқ мuddатли шеригидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон – Швейцария муносабатлари сиёсат, иқтисодиёт, молия ва банк, маданият ва таълим каби турли соҳаларда муваффақиятли ривожланмоқда. Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги билан самарали шериклик йўлига қўйилган.

Швейцариянинг етакчи компаниялари билан кимё, тўқимачилик, фармацевтика, озиқ-овқат саноати, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳасида кооперация учун имкониятлар мавжудлиги алоҳида қайд этилди.

Латвия Республикаси билан фаол сиёсий мулоқот йўлга қўйилган, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар изчил ривожланмоқда.

Ригада буюк аждодларимиз Мирзо Улуғбек ва Абу Али ибн Сино хайкаллари ўрнатилган мамлакатимиз ва халқимизга юксак ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

Савдо, инвестиция ва инновациялар, транспорт ва логистика, энергетика, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳаларидаги дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари экани қайд этилди.

Ўзбекистон Исроил Давлати билан ўзаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олиш тамойиллари асосида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

Исроилнинг илғор технологиялари, тажрибаси, илмий ютуқларини жалб этиш асосида биотехнологиялар, энергия ва сув ресурсларини тежаш, тиббиёт ва фармацевтика, туризм каби йўналишларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш тақлиф этилди. Таълим, маданият ва спорт соҳаларида мавжуд катта салоҳиятдан фойдаланиш муҳимлигига эътибор қаратилди.

Мамлакатимизнинг ишончли ва узоқ мuddатли шериги бўлган Германия Федератив Республикаси билан барча соҳаларда фаол мулоқот йўлга қўйилган, ақил алоқалар ва тажриба алмашуви қўллаб-қувватланмоқда.

Асосий эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори технология тармоқларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Германиянинг етакчи компаниялари билан узоқ мuddатли ва ўзаро манфаатли шериклик алоқаларини ривожлантиришга қаратилди.

Илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш, икки мамлакат ҳудудлари ўртасида алоқалар ўрнатиш ва ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди.

Словакия Республикаси Ўзбекистон учун Европадаги истиқболли ҳамкорлардан бири ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш билан бир қаторда савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида мавжуд салоҳиятни рўёбга чиқаришни тақлиф этди. Бу ўринда, аввало, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимё ва озиқ-овқат саноатида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Президенти Хитой Халқ Республикаси билан дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамлашни бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Икки давлат раҳбарларининг ўтган йили Пекин ва Остона шаҳарларида бўлиб ўтган учрашувлари ўзаро ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиб, аниқ мазмун билан бойитди.

Давлатимиз раҳбари ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларида, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестиция, инновация, молиявий-техник, транспорт коммуникациялари ва бошқа йўналишлардаги шерикликни чуқурлаштириш учун кенг имкониятлар мавжудлигини алоҳида таъкидлади.

Транспорт-транзит йўлакларини ривожлантиришга доир минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш, шу жумладан, Ўзбекистон – Қирғизистон-Хитой темир йўл магистраллини қуриш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Хитой билан фан, маданият, таълим ва туризм соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга тайёргили қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти сўзининг якунида хорижий элчиларга мамлакатимизнинг вазирлик, идора ва ташкилотлари билан фаол ишлаш, жойлардаги салоҳият ва имкониятлар, халқимизнинг бой тарихи ва маданияти билан яқиндан танишиш учун ҳудудларга тез-тез ташриф буюришни тақлиф этди.

Турли масъулиятли лавозимлардаги фаолияти давомида тўпланган тажриба хорижий дипломатларга белгиланган мақсадларга самарали эришиш ҳамда Ўзбекистон билан икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш йўлида ўз зиммасига юклатилган муҳим миссияни муваффақиятли адо этишга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Ўз навбатида, янги тайинланган элчилар самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги кенг мисқоли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга бор сайёҳ-ҳаракатларини сафарбар қилишини қайд этдилар.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Узлуксиз таълим ягона тизимининг муҳим бўғини шифатида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, ходимларнинг меҳнатида ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш, юқори малакали кадрларни, шу жумладан, ёш битирувчиларни жалб этиш, жамиятда давлат мактабгача таълим муассасалари педагогларининг нуфузини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг давлат мактабгача таълим муассасалари ходимлари айрим тоифаларининг:

а) 2018 йил 1 мартдан бошлаб – мудирлар, тарбиячилар, методистлар, ўқитувчилар, дефектологлар, психологлар, мусика раҳбарлари ва тарбиячиларнинг ёрдамчилари меҳнатида ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини 30 фоизга;

б) 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб: тайёргарлик (5 ёшдан 6-7 ёшгача) гуруҳи тарбиячилари, олий маълумотли ўқитувчилар, дефектологлар, психологлар меҳнатида ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини, уларнинг базавий тариф ставкалари микдорларини умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари ўқитувчиларининг базавий тариф ставкалари микдорларига тенглаштирган ҳолда 30 фоизга;

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

ВИНОЧИЛИК СОҲАСИНИ ВА АЛКОГОЛЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида хом ашё базасини яратиш ва ривожлантириш, сифатли ва рақобатбардош виночилик ва алкогольли маҳсулотларни (кейинги ўринларда алкогольли маҳсулотлар деб юритилади) реализация қилиш, экспорт салоҳиятини ошириб бориш, шунингдек, ушбу соҳага чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, тизимга оид бир қатор муаммолар ва камчиликлар соҳага алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотишнинг илғор технологияларини жорий этиш, экспорт салоҳиятининг барқарор ўсишини таъминлаш, соҳани бошқаришнинг самарали тизимини яратиш имконини бермаётти, шу жумладан:

Биринчидан, узумнинг техник навлари майдонларининг кескин қисқариб кетиши, уларни етиштириш бўйича илғор усулларнинг суст жорий этилиши, узумзорлар ҳосилдорлигининг пастлиги, шунингдек, фермер хўжалиқларининг етарлича манфаатдор бўлмаслиги виночилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайиб кетиши ва қайта ишлаш қувватларидан самарасиз фойдаланишнинг тизимли сабабига айланди; **Иккинчидан**, озиқ-овқат этил спирти, пиво пишириш, ликёр-ароқ ва бошқа алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни янгилаш ва техник жиҳатдан қайта қуrolлантириш бўйича қўланаётган технология сиёсат самарадорлигининг паст эканлиги, уларга мавжуд муаммоларни самарали ҳал этиш, шунингдек, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва мавжудларни модернизация қилишда қўмаклашиш имконини бермаётти;

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА

Бугун мамлакатимиз кучли фуқаролик жамияти ва жадал ривожланаётган бозор иқтисодиётига асосланган, эркин ва демократик давлат қуриш бўйича янги тарихий босқичга қадам қўймоқда. Бунда дунёнинг барча давлатлари билан дўстлик, мустаҳкам ишончга асосланган самарали ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 февраль куни қатор хорижий давлатлар элчиларидан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди. Тантанали маросим доирасида элчилар ўз фикрлари билан ўртоқлашди.

Гюнтер ОВЕРФЕЛЬД, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

– Мамлакатингизга келганимга беш ой бўлди. Шу вақт мобайнида Ўзбекистоннинг қўллаб-қувватларида бўлдим. Чет эллик инвесторлар учун яратилган имконият ва шароитлар, уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши мени ҳайратга солди. Ўзбекистон билан Германия ўртасида азалдан дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари мавжуд. Бундан кейин ҳам мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, янги тармоқларни йўлга қўймоқчимиз.

Айни пайтда тўқимачилик ва қурилиш материаллари соҳасида алоқалар жадал ривожланмоқда. Ўзбекистондаги фаолиятимиз давомиди маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор

(Давоми 3-бетда)

Мамлакатимизда уй-жойлар барпо этиш ва ижтимоий-маиший қурилишни жадал ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янгилаш борасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар туфайли шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда. Бунда соҳага замонавий архитектура ечимлари ва илғор технологиялар кенг жорий қилинаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.



ҚУРИЛИШ ВА СУВ ТАЪМИНОТИ СОҲАСИДАГИ ЭНГ ИЛҒОР МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ

Пойтахтимиздаги "Ўзэкопмарказ"да очилган аънавий халқаро кўргазмаларда бу соҳадаги энг сара маҳсулот ва хизматлар намойиш этилмоқда. Жумладан, "WorldBuild Tashkent – 2018" кўргазмасида қурилиш ва гардошлар материаллари, уларни ишлаб чиқаришдаги илғор технологиялар ҳамда "AquaTherm Tashkent – 2018" кўргазмасида иситиш, ҳаво тозалаш ва совутиш тизимлари, сув таъминоти, сантехника, сўяғли хўрдулар, қайта тикланувчи энергия манбалари усуллари тақдим қилинмоқда.

Мазкур форум Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамияти, "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси ва

бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда илғор хорижий тажриба, архитектура ва дизайн соҳасидаги ютуқлардан, шунингдек, инновацион дастурий ечимлардан фойдаланган ҳолда шаҳар-созилқ лойиҳаларини ишлаб чиқишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида янги саноат ва ижтимоий объектилар, йўл ва кўприклар бунёд этилмоқда. Инвестиция муҳити яхшиланиб, ишлаб чиқариш ҳар томонлама рағбатлантирилаётгани соҳадаги халқаро ҳамкорликка кенг йўл очмоқда.

(Давоми 3-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қашқадарё вилоятида 2017 йилда муржа-атларга эътиборсизлиги туфайли 300 дан ортиқ раҳбар ва масъул ходимга интизомий, маъмурий қоралар қўрилган. Қашқадарёда жисмоний ва жюридик ҳақларнинг муржа-атлари билан ишлаш ташкил этиш ҳамда раҳбар ва масъул ходимларнинг бу борадаги шахсий масъулиятини ошириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда бу алоҳида таъкидланди.

ўзаро баҳс-лашди. Иштирокчилар "Адолат менинг нигоҳимда", "Сиёсий билимдонлик" ва "Эркин мавзу" шартлари асосида ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.



● Папуа-Янги Гвинеяда Рихтер шкаласи бўйича рўй берган 7,5 балли кучли zilзила оқибатида ҳалок бўлганларнинг сони 30 кишидан ошиб кетди. Ер қимирлашидан жабрланганлар ҳам 300 нафардан ортиқдир. Ҳозир ушбу мамлакатда қидирув-қутқарув ишлари амалга оширилмоқда.

● Австралининг Кури-Кури шаҳрида ўтказилган ўтган асрнинг 70-80 йилларида урф бўлган "Маллет" соч турмаги фестивалида 150 нафар иштирокчи ўзига хос турмақларини кўрсатиб, голиблик учун кураш олиб борди. Катнашчилар "Маллет"нинг факат соч турмаги эмас, балки ҳаёт тарзи эканлигини ҳам намойиш этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИ
МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

олий ёки ўрта махсус, касб-хунар педагогик маълумотли тарбиячининг ўринбосарлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини 20 фоизга;

мактабгача таълим муассасалари мудирлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини 10 фоизга табақаллаштириб ошириш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

2. Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Касби, Миришкор, Қамаш, Чироқчи, Нишон, Яккабоб ва Ғузор туманларида, Бухоро вилоятининг Олот, Шофиркон, Қорақўл, Пешку ва Ромитан туманларида, Сурхондарё вилоятининг Қизирқ, Музаббот, Олтинсой, Бойсун, Қумқўрғон, Узун, Сарийосиё туманларида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларида болалар сақлангани учун

амалдаги ота-оналар тўлови миқдори 2023 йил 1 январгача бўлган муддатда икки баравар пасайтирилсин.

3. 2018 йил 1 мартдан бошлаб давлат мактабгача таълим муассасаларида тарбиячининг ёрдамчиси меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби базавий тариф ставкаларидан келиб чиқиб жорий этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: 2018 йилда ушбу қарорга мувофиқ давлат таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини ошириш бўйича қўшимча харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобига молиялаштирилишини таъминласин, 2019 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ушбу харажатларни назарда тутсин;

давлат мактабгача таълим муассасаларини моддий

рағбатлантиришининг махсус жамғармасини шакллантиришга қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг қатъий равишда 15 фоизи миқдориде қўшимча маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги моддий рағбатлантиришининг махсус жамғармаси маблағларидан мақсадли ва манзилли фойдаланилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин, давлат мактабгача таълим муассасалари харажатлари сметаларида улар алоҳида сатрда ажратилишини назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон қарорининг 32-иловасига иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В.Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазирини Ж.А.Қўчқоров ва мактабгача таълим вазирини А.В.Шин зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 28 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
ХОДИМЛАРИНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан ҳозирда узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўлини бўлган мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш ва фаолиятини такомиллаштириш, тарбияланувчилар учун қўлай шарт-шароитлар яратиш юзасидан кенг қўлдан ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотларнинг мантикий давоми сифатида "Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини эътироф этишимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида мактабгача таълим тизимида фаолият олиб бораётган раҳбар ва педагог ходимларнинг, мактабгача таълим муассасасидаги таълим-тарбияга масъул ходимларнинг меҳнатини рағбатлантиришга етарли даражада эътибор қаратилмаган.

Масалан, 1993 йилга қадар мактабгача таълим муассасаларининг тарбиячиси ва

умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчиси меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори бир хил бўлган бўлса, Ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан ҳозирга қадар умумтаълим мактаблари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари бир неча марта оширилгани ҳолда мактабгача таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи миқдорлари ўзгаришсиз қолдирилганлиги ҳисобига уларнинг ўртача иш ҳақи миқдори умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчисига нисбатан 60 фоизни ташкил этади, холос.

Бу эса, ўз навбатида, мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари истеъдоди, касб маҳорати ва иш фаолиятида шахсий ҳиссаси намоён бўлмағлиги ҳамда муассасанинг педагогик салоҳиятини пасайтиришга олиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳ-

натига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори айнан мактабгача таълим соҳасида юқорида қайд этилган хато ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинган. Мазкур қарор билан мактабгача таълим муассасалари айрим ходимларининг иш ҳақи тўловларини куйидаги миқдорларда 2 та босқичда ошириш кўзда тутилган:

1. 2018 йил 1 мартдан – мудири, тарбиячи, услубчи, ўқитувчи, дефектолог, психолог, мусика раҳбари ва тарбиячи ёрдамчиси 30 фоизга;

2. 2018 йил 1 сентябрдан: олий маълумотга эга бўлган тайёрлов гуруҳи (5 ёшдан 6-7 ёшгача) тарбиячиси, ўқитувчи, дефектолог, психолог 30 фоизга; олий ёки ўрта махсус, касб-хунар педагогик маълумотга эга бўлган тарбиячи ёрдамчиси 20 фоизга; мактабгача таълим муассасаси мудири 10 фоизга.

Бунинг натижасида давлат мактабгача таълим муассасаларида меҳнат қилаётган жами 93555 нафар ходим, шундан 4908 нафар мудири, 3924 нафар олий маълумотли тарбиячи, 39523 нафар ўрта махсус маълумотли тарбиячи, 673 нафар методист, 3765 нафар дефектолог, 1450 нафар психолог, 33259 нафар тарбиячи ёрдамчиси ва 7503 нафар мусика раҳбарининг иш ҳақлари сезиларли даражада оширилади.

Ушбу қарорда 2018 йил сентябрь ойдан бошлаб олий маълумотга эга бўлган тайёрлов гуруҳи (5 ёшдан 6-7 ёшгача) тарбиячиси меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари миқдори умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари ўқитувчиларининг базавий тариф ставкалари миқдorigа тенглаштирилиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, қарор билан мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш мақсадида ҳамда кишлоқ жойлардаги аҳоли

турмуш даражасини инобатга олиб, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Касби, Миришкор, Қамаш, Чироқчи, Нишон, Яккабоб ва Ғузор туманларида, Бухоро вилоятининг Олот, Шофиркон, Қорақўл, Пешку ва Ромитан туманларида, Сурхондарё вилоятининг Қизирқ, Музаббот, Олтинсой, Бойсун, Қумқўрғон, Узун, Сарийосиё туманларида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларида 2023 йилнинг 1 январигага ота-оналар бадал тўлови миқдорини 50 фоизга камайтириш назарда тутилган.

Ҳукуматимиз томонидан мактабгача таълим тизимида меҳнат қилаётган ходимларнинг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши ҳамда кишлоқ ҳудудларда бочалар учун ота-оналар тўловининг кескин пасайтирилиши мактабгача ёшдаги болаларни боғчаларга қамраб олиш даражасини оширишга ҳамда мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИВИНОЧИЛИК СОҲАСИНИ ВА АЛКОГОЛЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИ
ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

учинчидан, алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмларини истиқболли бошқаришнинг режалли методи ишлаб чиқарувчиларга ишлаб чиқариш ҳажмини сотиш бозоридagi ишларнинг амалдаги ҳолатини ҳисобга олиб мустақил белгилаш, шунингдек, экспорт улущини ошириш ва миллий брендини хорижий бозорларга илгари суриш имконини бермапти;

тўртинчидан, алкоғолли маҳсулотларни автоматлаштирилган назорат қилиш ва ҳисобга олиш тизимлари татбиқ этилишининг паст даражадалиги сифатсиз ва сертификатлаштирилмаган алкоғолли маҳсулотлар айланмаси учун шарт-шароитлар яратмоқда;

бешинчидан, "Ўзвиносаноат-холдинг" АЖ таркибиде соҳага оид бўлмаган корхона ва ташкилотларнинг мавжудлиги ортиқча молиявий харажатларга, шунингдек, уларнинг соҳадagi фаолияти самарадорлигининг камайишига олиб келмоқда;

олтинчидан, халқаро ҳамкорлиқнинг етарлича даражада бўлмаганлиги ишлаб чиқариш циклини такомиллаштириш учун малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш, алкоғолли маҳсулотларнинг маркетинг сиёсатини ва уларни брендлаштиришни кучайтириш, янги сотиш бозорларига олиб чиқиш имкониятларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилишни тубдан такомиллаштириш, соҳани бошқаришнинг илғор технологияларини жорий этиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ:

1. "Ўзвиносаноат-холдинг" АЖ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги ва Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг;

"Ўзвиносаноат-холдинг" АЖ ва Ўзғар Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини тегишлича "Ўзшаробсаноат" АЖ ва "Ўзшаробсаноат" АЖнинг Ривожлантириш жамғармаси деб қабул номлаш;

"Винагропромекс" МЧЖни ўрнатилган тартибда туғатиш;

соҳага оид бўлмаган корхоналарни "Ўзшаробсаноат" АЖ таркибидан 1-иловага мувофиқ чиқариш тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки: 2018 йилнинг 1 апрелидан виночилик маҳсулотлари учун яроқлилик муддатини белгилаш тўғрисидаги талаб истисно этилади ва бундай маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга уларни сақлаш муддатини мустақил белгилаш ҳуқуқи тақдим этилади;

2018 йилнинг 1 июлидан алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга ўз виночилик маҳсулотларини туристик йўналишларида ташкил этилган заводга тегишли дегустация ҳудудларида (жойларида) чакана реализация қилиш ҳуқуқи берилади;

2019 йилнинг 1 январидан табиий винолар, винома-

ча 100 гектардан кам бўлмаган плантация майдонига, шунингдек, вино-коньяк маҳсулотларининг сақланиши ва етилиши учун эман бочкаларига эга корхоналар, қонунчиликда назарда тутилган бошқа талабларга риоя қилган ҳолда, амалга оширишлари мумкин;

2019 йилнинг 1 январидан ўз ўзимзор плантацияларининг хом ашёсидан ишлаб чиқарилган табиий узум виноларини кишлоқ хўжалиги маҳсулоти тоифасига киритган ҳолда, ишлаб чиқариш бўйича фолийнги лицензиялаш бекор қилинади;

"Ўзшаробсаноат" АЖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекси таркибига киради;

узумнинг техник навларини етиштириш учун ер майдонларини ажратиш "Ўзшаробсаноат" АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда юқори ҳосил олиш учун зарур бўлган тупроқнинг унумдорлиги, сув билан таъминлаш манбаларининг мавжудлигини ҳисобга олиб амалга оширилади.

3. Узумнинг техник навларини етиштириш бўйича мавжуд узумзорлар инвентаризациясини ўтказиш ва виночилик соҳасини янада ривожлантириш бўйича тақлифларни тайёрлаш бўйича Махсус комиссия (кейинги ўринларда – Махсус комиссия) 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

4. Махсус комиссия (С.Р.Холмуродов): а) узумнинг техник навлари етиштирилаётган, шу жумладан фермер хўжаликлари эгалигидаги узумзорларни жойига қилиб вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) кесимида инвентаризация қилсин, улардан фойдаланишнинг оқилоналиги ва самарадорлик даражасини ўргансин;

б) инвентаризация якунлари бўйича 2018 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республикада виночилик соҳасини янада ривожлантиришнинг 2018-2023 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори лойиҳасини киритсин, бунда:

узумнинг машҳур ва истиқболли навларини етиштириш, кўпайтириш, қайта ишлаш соҳасида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини чуқур ўрганиш, виночилик соҳасида агротехник, карантин ва инновацион технологияларни ишлатиш;

хорижда виночилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган бозор механизмларини, шу жумладан ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи ўртасидаги кооперацияни, кластер моделини, уларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини белгиланган ҳолда жорий этиш;

республикада узумнинг жаҳон бозориде катта талабга эга генетик жиҳатдан янги, машҳур ва истиқболли навларини, шу жумладан микроклонлаш услуби, шунингдек, узумнинг in vitro генофонди коллекцияларини яратиш йўли билан етиштириш;

агротехника ва карантин тадбирларини ўтказиш учун харажатларни камайтириш, ҳосилдорликни ошириш, шунингдек, 3-иловада кўрсатилган ер майдонларидан узумни қайта ишлаш инфратузилмасини устувор ривожлантириш мақсадида узумнинг техник навлари экил-

ган ҳар бир плантация майдонини камида 100 гектарга йириклаштириш;

"Ўзшаробсаноат" АЖ корхоналарига узумнинг техник навларини етиштириш учун ер участкаларини, шу жумладан узумнинг техник навларини етиштириш учун яроқли бўлган тоғолди ҳудудларидан ажратишга ва 2021 йилнинг охирига келиб "Ўзшаробсаноат" АЖ корхоналарининг плантацияларини, ушбу бандга мувофиқ уларни йириклаштиришни ҳисобга олган ҳолда, 10 минг гектарга етказиш;

республика ҳудудида виночилик ва узумчиликда ишлатиладиган техника ва ускуналарни ишлаб чиқариш бўйича қувватларни, шунингдек, ушбу соҳада агротехник воситаларни ишлаб чиқиш бўйича конструкторлик бюрларини яратиш;

узумнинг техник навлари плантацияларида, уларнинг тупроқ спецификасини ҳисобга олган ҳолда, томчилик тўғрисидаги тизимли жорий этилишини кенгайтириш;

экиш материалларини турли вируслар ва бактериялардан, шу жумладан микоплазмлар ва бактериялардан ҳимоя қилиш бўйича карантин чора-тадбирларини амалга ошириш;

виночилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни ёниги-моилаш материаллари, ўғитлар ва усимликларни ҳимоя қилишнинг бошқа воситалари билан узумнинг техник навлари плантацияларини шакллантиришнинг биринчи беш йиллигида имтиёзли нархларда таъминлаш;

ишлаб чиқарувчи, ер участкаси, узумнинг ҳолати, нави, барпо этилган вақти, ҳосилдорлиги ва бошқа таъсирфолчи кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган узумнинг техник навлари плантациясининг Ягона реестрини шакллантириш;

экиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича комплекслари ва микроклонал кўпайтириш усули билан олинган узумнинг техник навларини кўпайтириш ва етиштириш учун питомникларни яратиш, улар томонидан меваги экинлар навлари мосланувчанлигини, ўсимликнинг экологик-генетик салоҳияти муҳит шарт-шароитларига мос келишини баҳолашнинг экспресс-методларини ўтказиш;

реконструкция қилинаётган ва янги яратилаётган узумнинг техник навлари плантацияларида фақат сертифициланган экиш материаллари экилишини таъминлаш;

виночилик ва узумчиликнинг ҳуқуқий асослари, уларни ривожлантириш бўйича давлат фаолиятининг асосий йўналишлари, виночилик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, реализация қилиш, уларнинг бозорда айланмасини ҳисобга олиш ва назорат қилиш масалалари, шунингдек, ушбу соҳадagi бошқа муҳим жиҳатларни батафсил белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикасининг "Виночилик ва узумчилик тўғрисида"ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш каби муҳим вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратсин.

Махсус комиссияга унинг ишига вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари ва мутахассисларини, экспертларни, шу жумладан хорижий экспертларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари вакилларини қўйилган вазифаларни сифатли

ва ўз вақтида бажариш учун жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Этил спирти, алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш бўйича республика комиссияси 2018 йилнинг 1 апрелигача амалдаги лицензия талабларини танқидий қайта кўриб чиқиш асосида алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш бўйича, шу жумладан ўтқир алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича мавжуд бўлган йиллик ишлаб чиқариш қувватларини камида 60 фоиз ишлатиш тўғрисидаги талаблар эъзаига бундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қвоталаш тизимини жорий этиш бўйича тақлифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда истиқболда узумнинг техник навлари плантацияларини жойлаштириш ва ушбу ҳудудларда кейинчалик ишлаб чиқариш объектларининг фаолиятини йўлга қўйишни ҳисобга олган ҳолда сув билан таъминлашнинг аниқ манбаларини аниқласин;

узумнинг техник навлари плантацияларининг ҳудудини суғориш учун сув қудукларини бурғулаш учун рухсатнома беришга ҳар томонлама қўмаклашсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги, Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, "Ўзшаробсаноат" АЖ, М.Мирзаев номидаги Богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, бошқа манфаатдор идоралар ва муассасалар билан биргаликда 2018 йилнинг 1 июнигача муддатда:

экиш материалларининг талабгир навларини импорт қилиш мақсадида, маҳаллий табиий-иқлим ва бошқа шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда, узумнинг машҳур техник навларини етиштириш ва кўпайтириш соҳасида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасидан, шу жумладан жойига қилиб ўрганиш;

ўрганиш якунлари бўйича узумнинг машҳур техник навларини етиштириш ва кўпайтириш, шунингдек, республика ҳудудида экиш материалларининг машҳур навларини экиш бўйича замонавий ишлаб чиқариш комплексини йўлга қўйиш бўйича аниқ тақлифларни Махсус комиссияга киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва "Ўзшаробсаноат" АЖ давлат ички тартиботларни тезлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин ва 2018 йилнинг 1 майгача муддатда Ўзбекистон Республикасининг Халқаро виночилик ва узумчилик ташкилотига кириш учун буюртмаси берилишини таъминласин.

9. Амалиётга: мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар, хорижий туристлар, турли мамлакатларнинг виночилик соҳаси вакиллари, эксперт ва мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда ҳар йили республикада вино фестивали ва Халқаро дегустация танлови ўтказилиши;

(Давоми 3-бетда)

